

Тиб, фикҳ ва ҳилмдан билмаганларим!



09:00 / 21.11.2021 2583

Абдуссамад ибн Муаққал Ваҳб ибн Мунаббаҳнинг ҳаммажлисларидан бирида шундай деганини эшитган:

«Мен сенга табиблар билмайдиган тиб, фақиҳлар билмайдиган фикҳ ва ҳалимлар англамаган ҳилмни ўргатайми?»

Шериғи: «Ҳа ўргатинг, эй, Абу Абдуллоҳ», деди.

«Табиблар билмайдиган тиб шуки, таомнинг аввалида Аллоҳ номини айтиб ва охирида Унга ҳамд айтмасдан емаслигингдир. Фақиҳлар билмайдиган фикҳ эса ўзинг биладиган нарса ҳақида савол сўрасалар, унга ўз илминг билан жавоб бер, билмасанг билмайман деб айтишингдир. Ҳалимлар билмайдиган ҳилм кўп сукут қилишинг ва сўралган пайтдагина жавоб беришингдир», дедилар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анҳу: «Албатта, одамларга уларнинг ҳар бири сўраган фатвоси учун фатво берган одам мажнундир», деганлар.

Қосим ва ибн Сирийн роҳимаҳуллоҳ шундай деганлар: «Кишининг жоҳил ҳолда ўлиб кетиши унинг билмаган нарсасини гапиришидан яхшироқдир».

Сайид ибн Жубайр роҳимаҳуллоҳ: «Ким билмаганини: «Мен биламан», деса унга вой бўлсин», деган.

Олимлар — устозлар ўз шогирдларига илм ўргатишдан ташқари «Билмайман» дейишни таълим беришлари лозим.

«Раббоний уламолар» асари асосида Хуршид Маъруф тайёрлади